



Репродуктив саломатлик

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ бештага кўпаяди

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишларига ҳукуматимиз алоҳида эътибор бериб келмоқда. Зеро, одамлари соғлом, ёшлари қамол топган давлатнинг келажоғи буюк бўлади. Балиқчи туманида бу борада бир талай ишлар қилинди. Утган бир ярим йил ичида 17 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Шунингдек, яна 5 та шундай маскан қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятнинг шаклланиши ва ходимлар малакаси давр талабига мослаштирилиб борилаётганлиги боис, юқумли касалликлар барҳам топмоқда. Болалар ўлими аввалги йилларга қараганда камайди.

Вахланки, бир вақтлар бошқа жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ўртача меъёрдан ҳам паст эди. Одамлар оддий касалликларга ташвиш қўйириш учун 30-35 километр масофа босиб, туман марказига борарди. Вазирилар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳа ходимларини янада изланишга ва имкониятлардан фойдаланишга даъват этди.

Дастававл туманда истиқомат қилаётган аҳоли сони ўрғанилди. Ёш болалар ҳамда туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди. Чекка қишлоқларга мутахассислар юборилди. Соғломлаштириш ишларига эътибор кучайтирилди. Бу борада айниқса, қўшни вилоятлардаги илгор тажрибалардан кенг фойдаланилди. Қўсқа фурадат туман марказидан ташқари икки жойда ҳар жихатдан замон талабига мослаштирилган 2 та поликлиника қурилиб, замонавий аппаратлар билан таъминланди. Айни пайтда мазкур ускуналар ёрдамида аҳолига бепул хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда ҳукумат томонидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, ўтган йилдан бошлаб бюджетдан олинаётган маблағнинг 53 фоизи амбулатория тизимига, қолган қисми эса стационар йўналиши бўйича сарфланмоқда. Туманда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билан бирга қўшимча даромадлар ҳисобига одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва дори-дармонларни шу ернинг ўзида тайёрлашга эришилди.

Марказий шифохона учун туман ҳўжаликлари шартнома асосида 30 гектар экин майдони ажратиб беришган. Эндиликда тиббиёт ходимлари асосий ишдан бўш вақтларида ана шу майдонда қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришга ҳам улуғришмоқда. Фойдадан 20 фоизи ходимларни рағбатлантиришга сарфланаётган бўлса, қолган қисми касалхона эҳтиёжи учун ишлатилапти.

Шунга қарамадан баъзи ҳолларда керакли дори-дармон етишмаслиги ёки муддатда етказиб берилмаётганлиги боис, унинг нархи баланд. Шу сабабли туман соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобидан марказий касалхона қошида дори-дармон тайёрлашни йўлга қўйди. Бу дори-дармонларда сотилаётганидан арзон ва табиийлиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда тайёрланаётган турли хилдаги дори-дармонлар билан аҳолининг 80 фоизи таъминланди. Ҳомилдор аёлларга эса юз фоиз ана шу дори-дармонлар бепул берилишига эришилди.

Тиббиётда тadbиркорликнинг йўлга қўйилганлиги қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш даражасининг ошиб боришига олиб келди. Биргина жонсол. Уч йил аввал аҳоли хизмат кўрсатиш ва дори-дармон билан таъминлаш даражаси 1500 сўмданга тўғри келган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 3900 сўмни ташкил этади. Утган икки йил оралиғида тadbиркорлар ва корхона, ташкилотлар савй-ҳаракати билан туманда иккита қишлоқ врачлик пункти қурилиб, аҳолига тухфа этилди. Бундан ташқари ҳар йили уларнинг кўмағида 5-6 миллион сўмлик тиббиёт ускуналари сотиб олинди.

Ҳомилдор тумандаги болалардан тўғма ногиронларга аравачалар, қўлтиқтаёқлар олиб беришдан ташқари уларга байрамларда совғалар беришади. Улар 40 нафар ногиронли доимий оталққа олишган. Оилада тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасида кўп ишларни амалга оширдик, - дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Анваржон Маъмуров. - Хусусан, янги туғилаётган бола парвариши масаласида анча-мунча муаммолар мавжуд. Масалан, илгарилари туманда оналарни соғломлаштиришга мўлжалланган масканлар деярли йўқ. Ҳозирги кунда ҳукуматимиз мадади билан бундай жойларни кўпайтиришга эришдик.

Бирок шарт-шароитлар яратилганлигига ва тиббий хизмат кўрсатиш бепул эканлигига қарамай, аксарият аёлларимиз бундан баҳраманд бўлишга охиришмапти. Шу боис, жойларда мутахассисларимиз тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Яна бир масала хусусида: бола парваришида ва туғишга бўлган ҳароюнда оналарнинг бепарволиги ёки шу ҳолатда тиббиёт ходимлари билан маслаҳатлаштирмаётганлиги айрим кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқишига олиб келади. Шу боис ҳар икки қишлоқда биттадан маслаҳат маркази очиб, мутахассислар жалб қилинган.

Тармоқ корхоналарининг санитария типидagi оромгоҳларда беш маҳал, бошқа дам олиш масканларида тўрт маҳал овқатлантириш ташкил этилган. Болаларни қундалик овқатлантириш учун сарфланадиган харажат 1300 сўмдан 1450 сўмгача тўғри келмоқда. Дарҳақиқат, келажакимиз бўлган фарзандларимиз учун ҳар қанча қилсак оз. Шунинг ҳисобига олиб, айрим ҳўжалик

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири



Хунармандчилик - халқимизнинг азалий касби. Каштачилик, зардўзлик, тикувчилик, гилам тўқиш каби ҳўнар сирлари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Улар яратган турли-туман хонатлас, қўлда тўқилган гиламлар, чиройли сўзаналар барчанинг эътиборини тортади. Атлас - ўзбек матоси. Атлас - миллий либосимиз. Шу боис бу матони яратиш қанчалик меҳнат талаб қилса, унинг шарафи ҳам шунчалик баланддир. Марғилон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Едгорлик» фирмаси маҳсулотларига эътибор қундан-қунга ортмоқда. Бу ерда маҳаллий хомашў - пилладан ишлаб чиқарилаётган хонатлас, шойи, адрас, бўз, гилам каби маҳсулотлар сифати, бежиримлиги ва турлитуманлиги билан ҳам харидордир.



Муқимжон ҚОДИРОВ (Ўза) олган суратлар

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари қасаба уюшмалари Марказий қўмитаси тасарруфида 27 та ёзги болалар оромгоҳи бўлиб, бу йилги мавсумда 26 мингдан зиёд нафар болаларни дам олдириш режалаштирилган. Мавсумнинг биринчи навбатиде тармоқ меҳнатқашларининг 6619 нафар фарзандлари мазмунли дам олдирилди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш Республика комиссиясининг қарорига асосан бу йил Орол бўйи ҳудудидан келган 720 нафар болалар Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрининг энг сўлим оромгоҳларида соғломлаштирилади. Бундан ташқари, тармоқ қасаба уюшмалари тасарруфидаги нефть ва газ, энергетика тизимидаги корхона ва ташкилотлар болаларни ўз ҳисобларидан соғломлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

Тармоқ корхоналарининг санитария типидagi оромгоҳларда беш маҳал, бошқа дам олиш масканларида тўрт маҳал овқатлантириш ташкил этилган. Болаларни қундалик овқатлантириш учун сарфланадиган харажат 1300 сўмдан 1450 сўмгача тўғри келмоқда. Дарҳақиқат, келажакимиз бўлган фарзандларимиз учун ҳар қанча қилсак оз. Шунинг ҳисобига олиб, айрим ҳўжалик

ташкилотлари болаларнинг овқатланиш сифатини янада ошириш мақсадида қўшимча маблағ ажратдилар. Масалан, «Аммофос» ҳиссадорлик жамиятининг «Чимён» оромгоҳидаги ҳар бир бола учун қўнига 200 сўмдан қўшимча харажат қилмоқда. Мана шундай хайрли иш «Урганчтрансгаз» корхонаси томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

ОРОМГОҲДА ДУРАДГОРЛИК ТўГАРАГИ

Республика доимий комиссиясининг шу йилги кенгайтирилган мажлисида ўтган йилги мавсум якунига кўра «Навоийазот» корхонасининг «Офтобжон», Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг «Нефтчи», Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи-нинг «Тонг», «Аммофос» корхонасининг «Чимён» ҳамда «Урганчгазузатиш» корхонасининг «Боғи эрам», «Ўзбекбурғунейфгаз» компаниясининг Беруний номили, «Қизилтепагеология» корхонасининг «Геолог» оромгоҳларини энг яхшилардан деб топилганди. Жорий йилда мазкур оромгоҳлар ана шу юксак натижани сақлаб қолиш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Тармоқдаги барча оромгоҳларда болаларни нафақат мазмунли дам олдириш, шу билан

бирга уларнинг маънавиятини юксалтириш, дастлабки касб маҳоратларини шакллантириш ва меҳнат кўникмасини ҳосил қилишлари учун кўплаб ишлар қилинмоқда.—Хусусан, барча оромгоҳларда расм, мусиқа, ашула, ракс, тикиш-бичиш, дурадгорлик каби тўғарақлар ишлаб турибди. — Биз фарзандларимиз

ОРОМГОҲДА ДУРАДГОРЛИК ТўГАРАГИ

нинг турли касбларга қизиқишларини ошириш учун барча чораларни кўраёلمиз, - дейди Марказий қўмитанинг масўлу ҳодими Хуршида Рашидова. — Бунда, айниқса, «Моҳир кўлар» тўғарақлари муҳим аҳмият касб этмоқда. Бу ерда болалар дурадгорлик, боғбонлик, техника сирларидан воқиф бўлиб турмушимиз учун зарур бўлган касблар бўйича дастлабки кўникмаларни эгаллашмоқда. Табиийки кўпгина ёшлар спортга ишқибоздир. Улар учун футбол, волейбол, шохмот, шашка, стол тенниси, сузиш тўғарақлари ишлаб турибди. Бу йилги мавсумда оромгоҳлар Марказий қўмита ҳисобидан 5 миллион сўмлик турли спорт жиҳозлари билан таъминланди. Кейинги йилда Марказий қўмита томонидан кутубхоналарга 2 мил-

лион сўмлик китоблар олиб берилди. Қашқадарё вилояти дам олиш масканларида турли маданий-маърифий тadbирлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ва қасаба уюшмалари Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда тузилган тadbирлар режаси бу ишда ниҳоятда кўл келмоқда. Шу ўринда вилоятдаги Беруний номили оромгоҳда амалга оширилаётган тadbирларни таъкидлаб ўтишни истардик. Айниқса, «Менинг маҳаллам» ва «Терроризм нима?» мавзуларидаги давра суҳбатлари болаларда катта қизиқиш уйғотди. Дам олиш масканида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон ойна юртим», «Буюк сиймолар» кўрик-танловлари баҳсража бой бўлди.

ОРОМГОҲДА ДУРАДГОРЛИК ТўГАРАГИ

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Офтобжон» оромгоҳида «Ўзбекистон ҳақида нималарни биламиз?», «Ўқи, ўрган, топ!» каби викториналарда болалар фаол қатнашиб-гина қолмасдан, ўзлари ҳам янги-янги мавзуларни ўйлаб топшиди. «Республика рамлари», «Жонажон ватанимиз табииатини асрайлик!» каби суҳбатларда ҳам уларнинг фаолликлари ниҳоятда юқори бўлди.

Неъмат РАФИКОВ, «Ишонч» мухбири

Ибрат

лион сўмлик китоблар олиб берилди. Қашқадарё вилояти дам олиш масканларида турли маданий-маърифий тadbирлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ва қасаба уюшмалари Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда тузилган тadbирлар режаси бу ишда ниҳоятда кўл келмоқда. Шу ўринда вилоятдаги Беруний номили оромгоҳда амалга оширилаётган тadbирларни таъкидлаб ўтишни истардик. Айниқса, «Менинг маҳаллам» ва «Терроризм нима?» мавзуларидаги давра суҳбатлари болаларда катта қизиқиш уйғотди. Дам олиш масканида Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон ойна юртим», «Буюк сиймолар» кўрик-танловлари баҳсража бой бўлди.

Неъмат РАФИКОВ, «Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

Тошкент шаҳридаги «Биринчи автокорхона» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига 640 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. 260 нафар ҳайдовчи пойтахтликлар ҳамда меҳмонларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ўртача ойлик маоши 80 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари ижарадаги 152 та Доган, Волга, Нексия ва бошқа транспортлар йўловчиларнинг манзилини яқин қилмоқда.

ИМТИЁЗ ЯРАТИЛГАН ЖОЙДА иш унуми юқори бўлади

Меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазаси доимо эътиборимизда, - дейди корхона раҳбари Исмомил Сағдуллаев. - «Обод маҳалла йили» муносабати билан Ҳамза туманидаги маҳаллаларни ободонлаштириш учун 1 миллион сўмдан зиёд, ҳамда ёшлардан 3 нафарининг олий ўқув юртиларига шартнома асосида ўқишлари учун 1,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатдик. Жамоада меҳнат қилаётган ҳайдовчилар ҳамда ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўтган ярим йил ичида 139 миллион 690 минг сўмлик маблағ ажратдик. Хизмат маданиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшган ҳайдовчилар корхона маъмурияти ва қасаба уюшма қўмитаси томонидан доимо рағбатлантирилиб борилади. Хусусан, 10 йилдан зиёд меҳнат қилган ҳайдовчиларга 3 кун, 20 йилдан зиёд фаолият кўрсатганларга 7 кун қўшимча меҳнат таътили жорий этилган. Қасаба уюшма раиси Абдурашид Мусаевнинг таъкидлашича, маъмурият билан ҳамкорликда кўплаб хайрли ишлар қилинган. Чунинчи, оиласида тўй тантаналари ҳамда маъракалари бўлганларга корхона томонидан керакли шарт-шароитлар яратиб берилади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси фахрий ёрлиғи билан тақдирланган 10 нафар ҳодим маошига 50 фоиз миқдорда қўшимча имтиёз ҳамда транспортларда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома билан тақдирланди. Шунингдек, 54 нафар меҳнат фахрийли энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорда рағбатлантирилди. Корхона жойлашган Ҳамза туманидаги 3.Шамсиддинова номили, «Қўйлиқ-ота» маҳаллаларида истиқомат қилаётган кўп боғли, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига 250 минг сўмлик бепул йўланма ажратилди. Ишчи ҳодимларнинг фарзандлари ёзги таътилин маорки ўтказишлари учун Эса Стрилков номили ва «Автомобилчи» оромгоҳларига корхона ҳисобидан 1,5 миллион сўмликдан зиёд йўланма бепул берилди.

Ҳикматуллох ҚОДИРОВ, Ғулмуҳаммад ХИДИРОВ «Ишонч» мухбири

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам

ЖАМОА КЕЛИШУВИГА АСОСАН

Астойдил меҳнат қилган киши яхши ҳордик чиқариши керак. Бу талабга амал қилинган жойда ютуққа ҳамиша эришилади. Бинобарин автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари қасаба уюшма қўмитаси бунга ҳамиша риоя этиш чора-тадбирларини кўриб келмоқда. Ана шу мақсадда «Намангантранс» ва «Наманганавтотранс» бирлашмалари бўлинимаси билан тузилган жамоа келишувларида бу масалага алоҳида эътибор берилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларга 6955 нафар ишловчининг ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг мактаб ёшидаги ўғил-қизларини соғломлаштиришга эришиш бўйича махсус бандлар киритилган. Шунга мувофиқ биргина ўтган

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам

ЖАМОА КЕЛИШУВИГА АСОСАН

йил мобайнида 70 нафар меҳнат илғори сиҳаттоҳларда дам олдирилди. Табиийки, уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бошқачасига айтганда, 515 нафар ўқувчи болалар оромгоҳларда салямаватликларини мустаҳкамлади. Жорий йилда ҳам бу йўналишда аниқ тadbирлар амалга ошириляпти. Ишчи-хизматчилар ва уларнинг ўғил-қизларини соғломлаштириш камиде ўтган йилги даражага етказиш мўлжалланган. Июл ойи бошланишига қадар 20 нафарга яқин ишчи-хизматчининг мамлакатимиз ва вилоятдаги сиҳаттоҳларда саломатликларини мустаҳкамлашга, 200 нафарга яқин ўқувчиларимизнинг болалар оромгоҳларида ҳордик чиқаришига эришдик. Ҳодимларни соғломлаштириш-

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам

ЖАМОА КЕЛИШУВИГА АСОСАН

да вилоятимиздаги «Чортоқ», «Шаҳанд», «Нихол» соҳаттоҳлари муҳим аҳмият касб этаётган бўлса, келажакимиз эгаларининг ёзги таътилин кўнгилли ўтказишларида Чуст туманининг Оғасарой қишлоғидаги «Тоғ шалоласи» болалар оромгоҳи муҳим рол ўйнамоқда. Қолаверса, ушбу оромгоҳнинг мавсумга лухта хозирланганлиги ўқувчилар таътилининг муваффақиятли ўтишини таъминламоқда. Ҳозирда бу ердаги ётоқхона, сузиш ҳавзаси, спорт майдончаси, автошаҳарча, ошхона биноси ва кутубхонани кўрган кишининг ҳаваси келади. Раҳимжон АРСЛОНОВ, Наманган вилояти автотранспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси

Яхши дам, меҳнатга ҳамдам

ЖАМОА КЕЛИШУВИГА АСОСАН

Шаҳрихон туманидаги «Бўстон» ширкат ҳўжалиғида иш бошлаган «Рашид» сут заводи қирқ нафар қишлоқ ёшларини ишга қабул қилди. «Рашид-милк» акциядорлик жамияти Шаҳрихондаги «Таборчок» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси ва «Шоҳ-полан» Ўзбекистон-Польша қўшма корхонаси ҳамкорлиғида ташкил этилди. ЯНГИ СУТ ЗАВОДИ Хорижий сармоядорларнинг кўмағи билан корхона цехларига Германия ва Украинадан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилди, деди сут заводи директори Раҳимддин Мирзаев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Бу ерда қуруқ сут, сариёғ, сметана, творог ва бошқа кўплаб турдаги сут маҳсулотлари тайёрланади. Эндиликда йигирма хил музқаймоқ ишлаб чиқарадиган цехни очиб режалаштирилмоқда. Корхона бир кеча-кундузда 15 тонна сутни қайта ишлайди. Завод тўла қувватда иш бошлагандан кейин 30 тонна сутни қайта ишлашга эришади. «Туркистон-пресс»

ШИФОКОРЛАР БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШЯПТИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишига айланган. Мазкур йўналишни ривожлантириш борасида репродуктив ёшдаги аёлларни соғломлаштириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишнинг идораларо дастурини ишлаб чиқиш, қонун чиқарувчи идоралар, ижроия ҳокимияти, жамоатчилик ва диний ташкилотлар, соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасалари ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш, оила сиёсатини юритиш, аёллар учун мақбул меҳнат ва турмуш шароитларини, болалар ва ўсмирлар учун муносиб ҳаёт, турмуш шароитлари, билим олиш ва меҳнат қилиш учун имкониятларни яратиш каби ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила манфаатларини таъминлаш, аёллар ролини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар республикадаги ижтимоий-демографик вазиятнинг сезиларли яхшиланишига имкон берди. Оила институтлари мустаҳкамланиб бормоқда, гудаклар ўлими камаймоқда, аҳолининг умр кўриш давомийлиғи ортмоқда. Педиатрия илмий-текшириш институтида бўлиб ўтган ҳамда ҳомиладорлик ва турмуш давридаги асоратларни бартараф этишга бағишланган семинарда шу хусусда сўз борди. Семинар НОРЕ нинг «Соғлом оила» лойиҳаси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилди. (Ўза)

Гиёҳвандлик дарағида мубтало бўлган кишилар мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, ўз мақсадлари йўлида ҳар қандай тубанлик ва пасткашлиқдан қайтмайди.

Ҳўш, шундай экан Қорақалпоғистонда «қора қисматли оқ ажал»га қарши қандай ишлар олиб боришмоқда? Биз ана шу савол билан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси тергов ҳамда суриштируви нозират қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси П.Самамбетовга мурожаат қилдик.

«Наркотик моддаларнинг республикамизга кириб келишини умуман тақиқлаш тўғрисида»ги давлат Дастурини амалга ошириш юзасидан қатор тadbирларни ўтказилди, - дейди у. - Ушбу дастурдан келиб чиққан ҳолда махсус иш режасини тузганмиз. Унга асосан ўтган йил давомида гиёҳвандликка оид 208 та, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида эса 67 та жиноятлар аниқланган. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 21 ҳолатга кўп. Тўғри, гиёҳванд моддаларни фуқароларнинг уйларида сақлаш ҳолатлари бир мунча камайган. Аммо уни экиш, етиштириш икки баварвардан ортиқроқ ошган

Гиёҳвандликка қарши мурасасиз курашайлик

ўзгармади. Бугунги кунда гиёҳвандлик дарағида чалинганларни давловчи махсус диспансер ҳисобидан 712 киши рўйхатдан ўтган. Улар сонини камайитириш учун аниқ тadbирлар амалга ошириляпти. Гиёҳвандлик моддаларини харид қилиш ва сотиш билан асосан қайси ёшдаги фуқаролар шугулланишмоқда? Бу ишлар билан кўпроқ ёшлар ва аёллар шугулланаётганлиги кишини ранжитидади. Мисолларга мурожаат қиламиз. Самарқанд вилоят Урганч шаҳрида яшовчи Акбар Қодиров Нукус шаҳрига келиб, фуқаро Орзигул Райимованин уйда яшаб ишончига кириб олган, 20 грамм героин моддасининг ҳар бир граммининг 20 минг сўмдан сотиб беришини сўраган. Ор-

Гиёҳвандликка қарши мурасасиз курашайлик

зигул эса ўз таниши Дилбар Гадовадан ёрдам беришини илтимос қилган. Дилбар ўз навабатида Азим Маткаримовга героинни 300 АҚШ долларига пуллаган. Сўнг долларни Нукус бозорида 440 минг сўмга сотган. Орзигул Райимовга 400 минг сўмни бериб, 40 минг сўмни чўнтағига урган. 2002 йил 17 май кундаги суд ҳукми билан Дилбар Гадовева, Акбар Қодировлар 11 йилга, Орзигул Райимова, Азим Маткаримов ва Марат Шимбергеновлар эса 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жорий йилнинг ўтган ойларида «оғу» олди-сотдиси ва уни етиштиришга ҳаракат қилган ёшлардан Миригул ва Сабир Утамбетовлар, нукуслик Унғорбой Мирзахонов, Гулжаҳон Қўтлимуротовалар ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Сўхбатдош: Мухаммадсобир АЙТИМОВ

2003 йил — Обод маҳалла йили



Чортоқ тумани Наманган вилоятининг энг сўлим гўшаларидан бири. Бу жаннатмакон гўшад мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий бинолар, маҳалла гузарлари, лицей-коллежлар, мактаблар, боғроғлар, гулу гулзорлар худуд чиройига чирой қўшиб, кўзни қувонтирмақда. Бошқача айтганда, кенг кўламли амалга оширилган тўб ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини берапти.

**ЧОРТОҚ ТАДБИРКОРЛАРИ ўз ҳисобларидан гузар, чойхона куриб беришди**

Туманда ҳар йили баҳорда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш ананасига айланган. Шу боис амалдаги йилда ҳам 2,5 гектар майдон ободонлаштирилиб, боғ барпо этилди. 40 минг тул мевали, 26 минг тул манзарали дарахт, 10 минг тул гул кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, дарахтларга шакл берилиб, арик-зовурлар тозаланди. Зияратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди.

Туманда 53 та маҳалла бўлиб, уларда 144048 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кўмакка муҳтожларга ҳомийлик қилиш учун корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар, деҳқон-фермерлар, ширкат хўжаликлар бириктириб қўйилган.

Утган йили кам таъминланган оилалар яққа-ёлғизлар, ноғиронларга 48 миллион 200 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари ҳар бир маҳалладаги саховатпешалар ўзларига бириктирилган оилаларни қундалиқ эҳтиёж моллари, кийим-кечак билан таъминлаб келишяпти.

Амалдаги йилнинг биринчи чорагида ана шундай хайрли тадбирлар учун 8 миллион 620 минг сўмдан зиёд маблағ

мактаб ҳамда «Райхон» болалар боғчасига гўшт, сут маҳсулотларидан ёрдам берапти.

Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисминини қўллаб-қувватлаш, кексаби-

ларни эъзозлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, халққа садоқат руҳида тарбиялаш борасида ҳокимлик, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Экосан» халқаро жамғармалари билан ҳамжиҳатликда ибратли тадбирларни амалга оширмақда. Бундан ташқари йил дастури асосида қўллаб-давра суҳбатлари, кизикарли учрашувлар ҳам ўтказилмоқда.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганларидек, саховатпешалар кўмагида кўп болали, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар, ноғиронларнинг ҳолидан хабар олиш, моддий ёрдам бериш, кўнгилларини кўтариш, бурчимиз, — дейди туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси Хосиятхон Шарифбоева. — Зеро, нурунийларимиз юртимиз чинорлари, хонадонларимиз кўрми ва файзи.

Бир сўз билан айтганда чортоқликлар бағри кенг, меҳр-оқибатли инсонлар. Туманда олиб берилаётган эзгу ва хайрли ишлар эса фидойи кишиларнинг саховатпешалиги намунасиридир.

**Эркин Тўлаганов,** меҳнат фахрийси

**Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради**

**САВОЛ:** 1. Пенсиядаги шахс қишлоқ хўжалигида фермер ёки бригадир бўлиб ишлаши мумкинми? Агар мумкин бўлса пенсия уларга 100 фоиз тўланадими?

2. Оиладан бир нечта шахс ўқитувчи бўлиб ишласа компенсация уларнинг барчасига тўланадими ёки оиладан фақат биттасигам?

3. «Банкда пул йўқ», — деган баҳона билан ойлик маошларимиз ўз вақтида тўланмайди. Пенсия ва нафақалар, ҳатто касаллик варақаларига ҳам шу сабабли ҳақ тўлаш кечиктирилмоқда. Пуллари ўз вақтида олиш учун нима қилишимиз керак?

**П.САЙДОВ,** Қизилқум тумани

**ЖАВОБ:** 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сонли «Ишлов-

чи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида»ги Фармонида асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи пенсионерларга пенсиялар қўйидаги микдорларда тўланиши белгиланган.

— II жаҳон уруши ноғиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга) I, II гуруҳ ноғиронларига ва Чернобил ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга пенсия тўлиқ микдорларда тўланади. Шунингдек, тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисидан ишлаганлар;

— Фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раислари;

— Урта ва кичик тиббий ходимлари, провизорлар, ноғирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячиларига, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттира-

ётган ва пенсияга чиқиш бўлидан мазкур мутахассислик бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам эгадирлар. Қолган ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида биноан энг минимал иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари 2003 йил 1 апрелдан тўлана бошланди. Унга асосан барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумоти эга бўлган ўқитувчиларнинг барчасига тўланади.

3. Агар ойлик маош банкнинг айби билан кечикаётган бўлса судга даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз мумкин.

**ЭНГ ҚАДРЛИ COBFA**

Дўстлик туманида яшаб, узок йиллар мактабда ўқитувчилик қилган кекса педагог Усмон Исроилов тумандаги иқтидорли болалар мактаб-интернатида ўз шахсий кутубхонаси ҳисобидан 200 донга бадий адабиёт совға қилди. Муаллимнинг бу совғасидан ўқувчилар ниҳоятда хурсанд бўлишди.

**ЯНА БИР КУЛАЙЛИК**

Жизда-Самарқанд оралигида йўловчилар учун арзон, ҳар томонлама қулай электротролейд қатнови йўлга қўйилди. Айни пайтда мазкур транспорт воситаси кўнраги бир мартадан қатнамоқда.

**МАСОФАДАН ТУРИБ ЎҚИТИШ**

Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида компьютер ёрдамида ўқитувчиларни олис масофадан туриб ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Вилоят туманларидаги 32-, 1-, 43-ханда 33-мактабларда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳар бир мактабда 8 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

**«САЙҚАЛ ЖИЛОСИ»**

**КОРЕЯГА БОРАДИ**

ЮНЕСКО ташаббуси билан фольклор-этнографик жамоаларининг халқаро фестивали мана икки йилдирики, Бойсун туманининг «Сайқал жилоси» дастаси ҳам иштирок этиди. Уларнинг чиқишлари фестивал қатнашчиларини, айниқса, корейлик санъатшунослар эътиборини тортиди. Дилрабо Қурбонова, Турсункул Мавлонов, Мамаклат Бунова каби санъаткорлар ижро этган миллий кўй-қўшиқлар, рақс ва лапарлар уларга манзур бўлди. Фестивал сўнгида корейликлар бу дастани ўз ватанларига тақдир этишди.

**Бўрибой НОРКУЛОВ,** «Ишонч» муҳбири



**Саволларингизга ҳуқуқшунос Аҳмаджон Эшонқулов жавоб беради**

Тиббий кўриқдан ўтишда ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ҳодим тиббий кўриқдан ўтишда қандай турдаги поликлиника хизматидан фойдаланишдан қатъи назар чиқимдор бўлиши мумкин эмас. Мабодо, фақат хусусий поликлиникадан тиббий кўриқдан ўтиш юқори тиббий-ёт муассасаси томонидан белгиланган (бириктирилган) бўлса, тиббий кўриқдан ўтиш билан боғлиқ барча харажатлар тиббий кўриқдан ўтишга йўлланма берган муассаса томонидан тўланиши зарур.

Меҳнат Кодексининг 9-моддасига асосан муассасаларнинг касаба уюшма кўмиталари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар меҳнат тўғрисидаги қонунларни аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб борадилар.

Меҳнат Кодексининг 214-моддаси талаблари бажарилмаган тақдирда прокуратура органларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**САВОЛ:** мен бир ўзим 100 та бемор учун мўлжалланган касалхонада ишлайман ва юқумли касалликлар учун ўзим 1978 йилдан бери дори-дармонлар тайёрлаб ҳамда таъминлаб келаман. Шу сабабли доривизор-технолог (провизор) сифатида пенсияни 100 фоиз микдори-

да олишим мумкинми?

**Д.БОЛТАБЕКОВА,** Тошкент вилояти тери-таносил касалликлар диспансери доривизори

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ ёшга доир пенсияга чиққандан кейин урта ва кичик тиббий ходимлари, провизорлар, ноғирон болаларнинг интернат ва «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассислик бўйича камида 10 йил стажга эга бўлган аёлларга 1999 йил 1 июлдан пенсияларини тўлиқ микдорда олиш ҳуқуқини сақлаб қолиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосланиб, Сиз иш стажингиз тўғрисидаги маълумотлар билан ўзингиз яшаб турган туман (шаҳар) ижтимоий-таъминот бўлими мутахассисларига мурожаат қилсангиз бўлади.

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**  
2003 йил 14, 21 август кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносидан ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

- Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамиятига қарашли:**
1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чигил кўчаси, 2 манзилда жойлашган атторлик дўкони биноси.
  2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ҳасанова кўчаси, 10 манзилда жойлашган сартарошхона биноси.
  3. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 1 манзилда жойлашган 18-сонли ётоқхона биноси.
  4. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 5 микрорайонда жойлашган сув спорти саройининг қурилиши тугалланмаган биноси.
  5. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 26 манзилда жойлашган дўкон.
  6. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 1 манзилда жойлашган «Вереток» ярим тайёр маҳсулотлари дўкони биноси.
  7. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 24 манзилда жойлашган 38 ўринли қурилиши тугалланмаган меҳмонхона биноси.
  8. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61 манзилда жойлашган ошхона биноси.
- Бошланғич баҳоси - 10258,8 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 6076,9 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 125455,2 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 706021,0 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 43679,7 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 6307,7 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 32146,4 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 4609,0 минг сўм.**
- Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига қуйидаги объектлар ҳам қўйилади:
1. Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси таркибидagi, банкрот деб эътироф этилган «Ниҳол» очик акциядорлик жамиятининг мол-мулклари.
  2. Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳрида жойлашган банкрот деб эътироф этилган «3-сонли қурилиш-таъмирлаш» ҳиссадорлик жамиятининг мол-мулклари.
- Бошланғич баҳоси - 121742,6 минг сўм.**
- Бошланғич баҳоси - 52440,0 минг сўм.**

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**  
**Имкониятингизни бой берманг!**  
**Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан зақалат пули тўлаши шарт.**

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижий сармоядорлар, ишбилармон юрдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75**  
**Факс: 136 06 17**  
**www.uzrkmb.com**  
**Лицензия рақами: 000004**

**ҚИСКА САТРАЛДАРДА**

Исроилда Саддам Хусайн хибсага олинди. Бироқ у ироқлик Саддам Хусайн эмас, балки шу ерда яшовчи ўсмир бўлиб чиқди. Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайннинг адаши бўлган ўсмир мамлакатнинг шимолда сайёҳлар кетаётган автобусга тош отаётганда полиция томонидан қўлга олинган.

АҚШлик ва хитойлик киножодкорлар биргаликда Хитойнинг қадимий ва замонавий ҳаёти ҳақида сўзловчи ҳужжатли фильмни суратга олишга тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда америкалик ва сянганлик киножодкорлардан иборат экспедиция машҳур сайёҳ Марко Поло ўтган йўллар бўйлаб сафарга чиқишни режалаштирди.

Болгариялик Тодор Пасев Европа мамлакатлари бўйлаб ўн минг километрдан зиёд масофани велорикшада босиб ўтишга қарор қилди: Саёҳатдан қўзланган мақсад барча одамларга экологик хавфсиз транспорт турини тарғиб этишдир.

Никарагуалик Мигель Гутьерресни ҳамюртлари «Никарагуа султони» деб атаб бошлади. Бунга унинг ўн беш мартаба уйланиб, бирон марта ҳам ажрашмагани сабаб бўлган. Агар суд томонидан 38 йилли тадбиркорга қақриув қозғоши жўнатилмаганда унинг хотинлари яна нечтага кўпайиши номаълум эди.

АҚШнинг Нью Орлеан штати полицияси патрул машиналарини антиқа бир ойна билан жиҳозлаш ниятида. Мазкур ойна нафақат ташқаридан отилган ўқни қайтаради, балки полициячиларга машина ичкарисидан туриб тўғри ойна орқали ўқ узиш имконини ҳам беради. Ўқ қолдирган тешиклар эса ўз-ўзидан ямалиб кетаверади.

Япония ҳукумати ёш талантларни рағбатлантириш мақсадида компьютер хакерлари ўртасида расмий мусобақа ўтказишни эълон қилди. Хакерлар «Олимпиадаси» 11-12 август кунлари Токио меҳмонхоналаридан бирида бўлиб ўтади. Мусобақа иштирокчилари бир-бирларидан ўз компьютерларини химоя қилиш бўйича беллашади.

(ЎЗА)



Пайларик туманидаги «Челак пахта тозалаш» ҳиссдорлик жамиятида 360 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси махсус кийим-кечаклар билан таъминланган, зарарли иш шартларида ишловчиларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Шунингдек, корхонада оммавий маданий-спорт тадбирларини ўтказиш ҳам яқини аниқланаётган. Қувончлиси, бу каби тадбирларни уюштириш ва қатта кўтаринкилик билан ўтказишда бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббускорлик кўрсатмоқда. Айни кунларда ҳиссдорлик жамиятида янги махсусга пухта тайёргарлик ишлари якунига етмоқда.

**Шоҳрух САРИБЕВ** олган суратлар

Сиз кутган учрашув

КЎЗНИ ЮМГИЛ, КЎЗГА АЙЛАНСУН КЎНГУЛ

Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Муножотхоним Йўлчиева ҳузурда


«Муножот» янграйди. Ғала-ғовур давра сув куйгандек жимиб қолади. Нолакор оҳанг ашилиб, тўлғониб, инграб кўнгил торларини бир-бир чертиб ўтади. Томирларда мудраб ётган масъум туйғулар куйнинг тўлқинларига кўшилиб оқа бошлайди. Қонда уйғонган ҳислар нур бўлиб юракка куйилади, куйилаверади. Юрак нуристонга айланади, руҳ қанот қоқа-қоқа кўкка кўтарилари.

Кеча келгундир дебон ул сарви гулрў келмади, Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади.

Ҳофиза кўксидан куйилиб оқаётган оташдан кўнгил симобдай эриydi, бошлар тебранди, қалбда хотиралар бош кўтарди. Шунда беҳос кимнингидир нурли шарпаси кўнгилга ося ташлаб ўтади. Юрак кўшиқ сөхридан сел бўлади, кўнгил хижрон кийноғида йиғлайди. Унга кўшилиб саргардон булутлар йиғлайди, булутлар эстагига кўзларини яшириб тўлини ою, юлдузчалар бўзлайди. Ерда тўлғаниб-тўлғаниб сувлар ҳижрон кўшигини бошлайди, тоғ ўнгирларига тирмашган оқулар жуфтини излайди, оқулар дув этиб кўкка парвоз қилади.

Кўшиққа ҳамоҳанг кўнгиллар куйлайди, юраклардан «Муножот» бўлиб муҳаббат оқади, хижрон оқади. Хижрон даштарларда кимнидир излаб хотиралар фарёд чекади, хотиралар йиғлайди. Муножотхоним эса ўз «Муножоти» билан кўнгилларнинг тубтубидан ҳасрат илдизларини суғуриб олиб умид ниҳолларини экади. Шу боис «Муножот»ни амриқолик ҳам, олмон ҳам, фаранг ҳам таржимонсиз тушунади, юракдан англаб, вужуд билан хис қилади.

Санъат қанқони ана шундай муножот даражасига етса, уни ҳамма бир хил тушуниб, идрок этади. Негаки, инсон зотининг қалби ҳамиша муножотга ошно, муножотга ташна. «Муножот» эса Муножотхоним талқинида ўзгача янграйди, уни ижро этишда ҳофиза беназирлик пилла-бофисга кўтарилган. Шу боис унинг кўшиқларини дунё тинглаётган, гўё Ўзбекистонни тинглаётгандек,



Ўзбекларни англаётгандек. Бу муҳаббат замирида эса хофизанинг такрорланмас ижро маҳорати, Оллоҳ ато этган иқтидор, кишига лаззат бағишловчи ўқтам ва сеҳрли овози ётади.

Муножотхоним санъат ҳақида сўзлаганда жуда соҳиб ва самимият билан, худди гап Она ҳақида, Ватан, Муқаддас замин ҳақида бораётгандек катта ҳурмат билан ёндошади.

Қадимда аждодларимиз саҳнага намоз ўқийётгандек, покланиб, ҳатто оёқ кийимларини ечиб чиқишган. Бу аввало саҳнанинг муқаддаслигига ишора бўлса, иккинчидан кўшиққа, санъатга ҳурмат саналган, - дейди Муножотхоним. - Аслида мумтоз кўшиқчилигимиз кўнгилни юксалтирадиган руҳни қанотлантирадиган, қалбни уйғотадиган катта санъат. У аввал ўз ижросига ана шундай юксаклик ва нурлини саодатини ато этади. Шу боис халқ яратган куй, кўшиқ мустаҳкам қалъа, маънавият чашмаси. Ундан завқ олиш, ўрганиш, руҳий камолотга етишиш мумкин асло уни бузиб бўлмайди. Ривоят қилишларича, соҳибқирон Амир Темир куйни бузиб ижро этган машоққи «Сен куйни бузиб, аввал бирон кўрган кўргонни буздинг, сўнгра

менинг кўнгил мулкимни вайрон қилдинг», деб жазолаган экан.

Ҳа, кўшиқ нафақат кўнгил завқи, балки катта тарбия мактабидир. Айниқса, мумтоз кўшиқлар қалбни тозалаб, унга куч-қувват бағишлайди. Иродани чинқиртириш билан бирга ёшлар қалбига миллат туйғуси, Ватан меҳри, буюк бобокалонлардан фахрланиш ва ворислик фазилятларини тарбиялайди. Муножотхоним ана шу қудратли уммондан баҳра олиб, аждодлар меросига алоҳидада эътиқод қўйган санъаткорлардан. Андижонда турли-боялган камолга етган санъаткор истиқболда киндик қони тўкилган заминнинг алоҳидада ўрни бор. У Нодираи даврон, Бобур Мирзо, Чўлпон каби зотларга бешиқ бўлган замин маънавияти, тафаккури силсиласида ўлғайди. Қолаверса, ота-онаси оддий кишилар бўлишса-да, қалблари кўшиққа, санъатга ошфута эди. Сўнгра мактаб сабоқлари, мусика ўқитувчиси Гани ака Султоновнинг йўл-йўриқлари уни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этди. Бир вақтлар Андижон вилоят театрида актёр бўлиб ишлаган, кейинчалик саломатлиги сабаб бошқа ишга ўтган тоғизи Абдуллажон Мавлонов унга консерваторияга кириб

ўқишни маслаҳат беради. Қалбда уйғонган санъатга ихлос ва эътиқод уни 1978 йилда Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясига етаклади.

Ушунда ҳеч қанақа муסיқий саводим бўлмаган, - деб хотирлайди М.Йўлчиева. - Фақат еттигита нота борлигини билардим. Овозимни эшитиб қуриб, ўқишга қабул қилишди. Икки йил тайёрлов бўлимида ўқидим. Устозим Шавкат Мирзаев синфида тахсил олган онларим фаолиятимга мазмун бағишлади. Санъатнинг нақадар улуғлигини англадим. Устозим ниҳоятда тартиб-интизомли ва масъулиятни чуқур хис этадилар. Халигача бирор марта репетициядан кечикканларини эслай олмаман.

Муножотхоним эътироф этганидек, унинг камолидада устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист «Дўстлик» ордени соҳиби Шавкат Мирзаевнинг алоҳидада ўрни бор. Улуғ санъаткор Муҳаммаджон Мирзаев оиласида камол топган, унинг беназир истеъдоди силсиласидан ўлғайган бу зукко инсон Муножотхонимнинг ўзига хос истеъдодини вақтида илғай олди ва уни сабот ва матонат билан санъатнинг нурафшон йўлига олиб чиқди. Бу йўлда учраган кийинчиларини энгишда ўзининг доно маслаҳати, ўрни келганда каттиққўллик ва катта тажрибаси билан шоғирдидан ёрдамини амади.

Ёшлик-да, баъзида сабрим чидамай кетганида «хали тўла маромига етганингиз йўқ, халқ олдида шундай қилсангиз, шу савиёга ўрганиб қолсангиз, кейин ўсишингиз қийин бўлади», деб секин тушуниртдилар. Кейинчалик устозимнинг бу ўғитлари чин ҳақиқат эканлигига амин бўлдим. Илк бор телевизор орқали «Муножот»ни айтган кунимдан номим эл оғзига тушди. Айниқса, ўша йиллар пахтакорлар қурултойида «Муножот» ва «Ушшоқ»ни ижро этганим ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Амина ҚОДИРОВА (Давони бор)

Бугун Уйчи тумани «Агросаноат» ходимлари қасаба уюшмасига қарашли «Хумо» оромгоҳида 300 нафарга яқин бола ҳордик чикармоқда. Зиллол сойнинг сўйим табиати қўйнида жойлашган масканда 48 нафар ходим дам олувчилар атрофида парвона.

— Ёш авлоднинг қизиқиши ва интилишларини қўллаб-қувватламоқ, улар билан ҳамфирқ бўлиб эзгу ишлар сари етакламоқ асосий вазифамиздир, — дейди оромгоҳ раҳбари Б.Пузалов. — Чунки эртанги кунимиз болалар камоли билан боғлиқ. Шу боис улар эркин шуғулланишлари учун спорт майдонларини кенгайтириб янги анжомлар ва жиҳозлар 1978 йилда Мухтор Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясига етаклади.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ВАКИЛЛАРИ БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА

кинотеатр болажонлар хизматида. Оромгоҳни озик-овқат маҳсулотлари билан тумандagi 14 та ширкат ҳужалиги ташминлаб туради. Айниқса, «Соҳибкор», Шароф Рашидов номли ширкат ҳужалиқлари катта ёрдам бермоқда. Бу ерда ёнги хавфсизлигини олдини

Ёзги соғломлаштириш

олиш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Турли

Яқинда оромгоҳга халқаро «Қизил ярим ой» ташкилотлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган бўлими вакиллари ташриф буюриб, болалар билан қизиқарли суҳбат уюштирдилар. Суҳбат сўнггида дам олувчилар ташкилотларнинг фаолиятлари тўғрисидаги ўз фикрларини расмларда ифода этиб, эсдалик совғаларига сазовор бўлишди. Шу кунларда болажонлар вилоятнинг кўзга кўринган ва диққатга сазовор гўшаларига саҳнат қилишмоқда. Х.СОТВОЛДИЕВА, А.ЮНУСОВ

Турфа олам КЕКСА САЙЁРА

АҚШ олимлари коинотдаги энг қадимги сайёранинг мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлиди. АҚШ фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) тадқиқот гуруҳи раҳбари, Пенсильвания штати университети профессори Стейн Сигурдсон мазкур сайёра ҳозир 12,7 миллиард ёшга тўлганини маълум қилди.

С.Сигурдсоннинг таъкидлашича, сайёра иккиёқлама юлдузлар тизимида Чаён буржидида жойлашган. У пульсар ва оқ пақана юлдузлари атрофида мунтазам айланиб туради. Энг ажабланишли, бу улкан сайёра газлардан иборат бўлиб, вазни энг катта сайёра саналган Юпитердан ҳам икки баробар оғирроқдир. Унинг ер сайёрасидан узоклиги ўрғулик тезлигининг 5,6 минг йиллик йўлга тенг.

Олим мазкур сайёра оламда вужудга келган само жиҳимларнинг «Биринчи авлоди» га тегишли эканини таъкидлаб, у вужудга келганида бизнинг галактикамиз эндигина шаклланаётган эди, дейди. Бизга маълум бўлган кўш тизими бундан беш миллиард йил муқаддам вужудга келган. Мазкур тизимга кирувчи сайёралар эса «унинчи авлод» га тегишлидир. Бинобарин америкалик олимлар кашф этган сайёранинг қанчалик қадимий эканини тасаввур этиш қийин эмас.

АҚШ тадқиқотчиларининг бу кашфиёти «Ҳаббла» фазовий телескопи ёрдамида олинган суратлар асосида амалга оширилди. Мазкур телескоп ун икки йилдиги ер атрофи орбитасида фаолият кўрсатиб турибди. Бирок эътироф этиш керакки, ҳатто «Ҳаббла» фазовий телескопи ҳам оламнинг энг катта саёрасини бевосита кузатишга қодир эмас. Олимлар ҳулосаси эса сайёра ўзаро гравитация ҳаракатида буладиган пульсар ва оқ пақана юлдузлари ҳаракати траекториясининг таҳлили асосида тайёрланган. (У.А.)

Мозийдан садо

«Авесто»да тасвирланган зардуштийларнинг ранг-баранг удуви ва иримлари қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи, касб-кори, дафн маросими, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳалоллик меъёрларига риоя қилиш сингари жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқ.

БАРҲАЁТ УДУМЛАР

Маълумки, Зардуштийлик дини пайдо бўлган кезларда (эраимиздан олдинги VIII-IX асрлар) ўликни дафн этиш ман этилган. Бунда улар «Она ер муқаддас, у барча жонзотнинг боқувчиси, тупроқнинг таркибини бузмаслик керак» деган ақидага риоя қилишган. Шунинг учун ҳам қишлоқ, шаҳарларда маҳсул сулалар, майдонлар қуриб, мурдани уша ерга элтиб, бараҳна (яланғоч) тарзда қуйдирилиб, суякларнинг баъзи қисмини, кулни сақлаш мақсадида улкан ҳумлар, коққоқли остодон-суякдонлар ясалган. Бундай остодонлар Қорақалпоғистон, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятлари ҳудудидан топилган. Тўйтападан топилган эраимиздан олдинги VIII асрга доир бир остодонда инсон бош суяги бизгача етиб келган.

Мурда чиққан уйда уч кеча-кундуз овқат пиширилмаслиги, яъни қозон осиб гўшт қайнатмаслик расм бўлган. Бу одат юртимизнинг барча минтақаларида ҳозир ҳам давом этмоқда. Қўни-қўшилар азадорларни иссиқ овқат билан таъминлаб туришди.

Бундан ташқари, «Вендидод»да таъкидланишича, марҳумнинг либослари ҳам, мурдага тегиб кетган азадорлар кийимлари ҳам кўш нурига ёйиб покланиши лозим. Халқимизда ана шу анъана марҳум ашёларини бир кеча-кундуз кўш ва ой нурида сақлаб, қатрон қилиш сифатида сақланиб келмоқда.

Бизнинг ислом динимизда ҳар қандай вазиятда ҳам намозни бузиб бўлмайди. Маздопарастларда ҳам шундай экан. Ривоятларга қўра, Зардушт намоз пайтида ёнидаги ганим қўйнидан ханжар чиқарганини кўрса-да, ибодатини бузмаган. Натихада қотил унга ханжар суқиб ўлдирди.

Зардуштийлар акидаси-ча, инсон танасидан ажралган хар бир узв-қисм мурдор ҳисобланиб, назардан йироқда, пинҳон бўлмоғи кўзда тутилган. Шу боис одам танасидан олинган соч, тирноқлар кишилар яшайдиган жойдан 50 қадам йироққа, мушук ва кучуқлар қовлаб олмайди-кан чуқурликка қўйиб қўйиб

лиши шарт ҳисобланган. Қўмиш жараёнида эса дуо ўқиб туриш талаб қилинган. Бундан ташқари, ўликни қовиш, қафанга олиш, тобутни қабристонга элтиш билан боғлиқ удувлар ҳам «Авесто»да батафсил баён этилган. Зардуштийлар ўликни жамоа бўлиб дафн этишган. Кимда-ким мурдани танҳо қўмса, албатта бирон-бир руҳий дардга чалинарган. Қор, ёмғир ёғайтган пайтда ўликни қабристонга элтиш ман этилган. Тобут кўтарилиб кетилаётганда жала ёғиб қолса ҳам орқага қайтишга ижозат берилмаган. Одат бўйича оила бошлиғи — ота ёки онанинг ўлигини деразадан ёки уй деворини тешиб олиб чиқиш расм бўлган. Оиланинг бошқа аъзоларининг мурдаси эшикдан олиб чиқилган. Харақатлари шундаки, мурдани устки либосларини ечиб ташлаган икки эркак олиб чиққан ва белгиланган жойга элтиб қўйган, улар маҳсул таёрланган суякликда қовиниб покланишган. Қоҳин азадорларни уч қадам нарида сақлаб жаноза ўқийшган. Тобутни қабристонга элтишда қоҳин издиҳом олдида дуо ўқиб борган. Ушашликни қарангки, ўликни деразадан чиқариш одати айрим немис қабилаларида ҳозир ҳам мавжуд экан.

Маълумки зардуштийлар чорвачилик ривожига алоҳидада эътибор беришган ва уни биринчи ҳаёт омили деб аташган. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонадонда мол сақлаш ва қучуқ боқиш расм бўлган.

Ҳар бир зардуштийда маржонга ўхшаган бўйин боғи бўлган. Уни вафотидан сўнг яхшилик билан умр кечирган бўлса, ана шу боғинлардан ушлаб фаришталар жаннатга элтар, ёмонликда ҳаёт кечирган бўлса, дўзахга судраб боришар экан.

От одамни тегиб ўлдирса, у албатта сўйилган. Ит қопса жабрдийда уни дарахтга боғлаб, қалтақлаб аламини олиши лозим бўлган, аммо ўлдирилганга ижозат этилмаган. Ибодат жараёнида қоҳиннинг кўзи барсуқ хивчилари дастасига қаратилиши, диққати асло бўлимаслиги лозим бўлган. Зардуштийлар асаб ва руҳий касалликларни асосан дуо ўқиб ва уқалаш йўли билан даволаганлар. Табиб

Ш.САРИЕВ олган суратлар

ХАМИДЖОН ХОМИДИЙ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида инглиз, испан, поляк тиллари бўйича ҳам малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Истеъдодли талабалардан ташкил топган ижодкор гуруҳлар томонидан уюштирилган маданий тадбирлар ҳам хорижий тилларда олиб боришмоқда.

ИНГЛИЗ ТИЛИДА САҲНАЛАШТИРИЛАДИ

Олий ўқув юртининг талабалар театри эса ўз постановкаларини инглиз тилида саҳналаштиришмоқдалар. Шу сабабли улар машҳур инглиз драматурги Вильям Шекспир номи билан томошабинларга тақдим этилмоқда. Навбатдаги постановка «Шекспир театри» деб номланадиган бўлди. Бу туркум томоша дастуридан асосан Шекспир асарлари бўйича тайёрланадиган саҳна кўринишлари ўрин олади. А.АКБАРОВ

ТАШВИРИ ТУШИРИЛГАН КУМУШ ПУЛЛАРИ ЗАРБ ЭТТИРАВИРИШДИ. Фақат унинг бир четига «Бисмиллоҳи раҳмонир роҳийм», деб қайд этиб қўйишди. Византияликлар ҳам ўз ҳоқонлари Константин II, Гераклит ва унинг ўғлини суратларини сақлаб қолишди. Фақат бу тангалардаги Ҳоч тасвири олиб ташланди. А.АЛИЕВ

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.15

МАЪНАВИЯТ КУНЛАРИ

Республика «Маънавият» ва «Мазорат» маркази Ватанимиз истиқлолнинг 12 йиллиги олдидан жойларда Маънавият кунларини ўтказяпти. Шундай тадбирлар ҳозирдаёқ Тошкент вилоятининг Бекобод ва Янгийўл шаҳарларида, Паркент ва Пскент туманларида бўлиб ўтди. Олий Махлис депутатлари, таниқли адиб ва сиёсатшунослар иштирокида очик мулоқот тарзида ўтаётган учрашувларда мустақиллик, миллий истиқлол ғоялари, юртимизда кечаётган туб ижобий ўзгаришлар жараёни, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, ёшлар тарбияси билан боғлиқ мавзуларда сўз юритилаяпти. (У.А.)



Иштихон тумани «Метан» худудий шифохонасининг малакали шифокорлари эл соғлигини сақлаш йўлида жонбозлик билан меҳнат қилишмоқда. 120 ўрин-



га мўлжалланган шифо масканида беморлар ўз дардларига тезда даво топишлари учун барча қулайликлар яратилган. Замонавий тиббиёт асбоб-уску-

КИЧКИНТОЙЛАР АЛИФБОСИ

Болаларни ёшлигидан ўқиш ва ёзишга ўргатиш ҳам муҳим таълимий жараёни ўз ичига олади. «Кичкин-тойлар алифбоси» ўқув қўлланмасининг чоп этилиши ҳам айна мундоо бўлди. Таниқли педагог олима профессор Кумир Абдуллаеванинг истеъдодли ўқитувчи Ситоратон Раҳмонбекова билан ҳамкорликда яратган бу ўқув китоби жажжи ўғил-қизларга яхши соғва бўлди. Болаларнинг нутқини ўстириш, сўз бойлигини ошириш, тафаккурини ривожлантиришга мўлжалланган мазкур нашр орқали кичкин-тойларда она Ватанга муҳаббат, ўлкамиз табиати, ҳайвонот оламига бўлган қизиқишларини янада орттиради. XXI аср дарсликларнинг янги авлоди намунаси тарзида ёзилган бу алифбони «Ўқитувчи» нашриёти кўп нусхада босиб чиқарди. Нилуфар КАРИМОВА

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШЛАРИЧА, МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ ДАВРИДА, Яъни VII асрларда араблар пул нималлигини билишмаган. Чунки улар Макка ва Мадинадаги бозорларда тижорат ишларини Византия олтиларига, форс кумуш тангаларига соҳибига амалга оширар эдилар. Араблар 636-655 йилларда Византиядан Сурияни, Фаластин ва Мисрни тортиб олиб, соҳиллар давлатини фатҳ этгач, жуда кўп ол-

тин, кумуш буюмлар, тангалар ва қимматбаҳо тошларни қўлга киритдилар. Бойлик дарёдаёқ оқиб кела бошлади. Шу боисдан ҳам бу даврда араблар пул зарб этишни хатёлларига ҳам келтирмадилар. Халифалик тасаруфидидаги ерларда эса маҳаллий ҳоқимлар илгаридан зарб этилган пуллари муомалада бўлаверди. Эронликлар ўз подшоҳлари Хусрав III нинг

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.